

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Ҳ У К М

2022 йил февраль ойининг 11 куни Тошкент вилояти жиноят ишлари бўйича Тошкент туман суди, ўз биносида, очиқ суд мажлисида, Раислик қилувчи, судья: С.Х.Мухамедов,
Судья ёрдамчиси: М.Х.Рахимовнинг котиблигида,
тарафлардан Тошкент туман прокурорининг катта ёрдамчиси Н.Джураева, Тошкент шаҳар “TARAN-ARTIZAN-YESEY” адвокатлик бюросининг адвокати Е.Дауренов ва судланувчи Ш.Давлатовнинг иштирокида

1988 йил 13 февраль куни Андижон вилояти Избоскан туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, муқаддам судланмаган, оилали, қарамоғида икки нафар вояга етмаган фарзандлари бор, вақтинча ишсиз, Андижон вилояти, Избоскан тумани, Избоскан худуди, Юқори Чувама маҳалла фуқаролар йиғини, Р.Турақулов кўчаси, 22-уйда яшаган, Тошкент вилояти жиноят ишлари бўйича Қибрай туман судининг 2019 йил 24 декабрдаги қидирув эълон қилиниши муносабати билан айбланувчининг иштирокисиз “қамоққа олиш” тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ҳақидаги ажримига кўра, “қамоққа олиш” тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган, Тошкент вилояти Тошкент туман ИИБ бошлиғи Д.Мирзамамедовнинг 2021 йил 21 декабрдаги 25/44-8500-сонли хатига кўра, 2021 йил 21 декабрь куни ушланган, айблов хулосаси нусхасини 2022 йил 11 январь куни олган **Давлатов Шохрухбек Маъруфжонович (DAVLATOV SHOHRUXBEK MA`RUFJONOVICH)**ни,

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 223-моддасининг 1-қисми билан айбланишга оид бўлган 1-29/2022-сонли (Е-х 1-1122-2202/35) жиноят ишини кўриб чиқиб, судланувчининг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, давлат айбловчиси ва ҳимоячининг музокара нутқларини, судланувчининг музокара ва оҳирги сўзини эшитиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И

Судланувчи Давлатов Шохрухбек Маъруфжонович белгиланган тартибни бузиб, қонунга хилоф равишда Ўзбекистон Республикаси



чегарасидан ўтишида ифодаланган жиноятни қуйидаги ҳолатларда содир қилган.

Жумладан, Ш.Давлатов Қозоғистон Республикасидан Ўзбекистон Республикасининг Тошкент вилояти, Тошкент тумани, “М.Фозилов” маҳалла фуқаролар йиғини, “Рамадон” маҳалласи ҳудудига белгиланган тартибни бузган ҳолда давлат чегарасини кесиб ўтган вақтида, мазкур ҳудудда хизмат олиб бораётган Ўзбекистон Республикаси ДХХ ЧҚ 9207-сонли ҳарбий қисмининг чегара нарядлари томонидан ушланган.

Суд мажлисида судланувчи тариқасида сўроқ қилинган **Давлатов Шохрухбек Маъруфжонович**, ўз айбига тўлиқ иқроор билдириб, ҳақиқатдан ҳам у 2013-2019 йиллар мобайнида Қозоғистон Республикасига чиқиб, турли ишларда ишлаб келиб юрганини, 2013 йил 8 сентябрь куни ишлаш мақсадида, “Майский авто” халқаро ўтказиш пункти орқали ўзининг АА 0908795-рақамли фуқаролик паспорти билан қонуний тартибда Қозоғистон Республикасига чиққанини, у 2019 йил 27 август кунига қадар Қозоғистон Республикасининг Олмата, Талдиқўрғон вилоятларида қурилишда ва чорвачилик фермасида турли ишларда ишлаб юрганлигини, Талдиқўрғон вилоятидаги чорвачилик фермасини эгаси “Қанат” исмли шахс уни АА 0908795-рақамли фуқаролик паспортини вақтинчалик рўйхатга қўйдириб бераман деб олганини, лекин ушбу “Қанат” исмли шахс унинг фуқаролик паспортини йўқотиб қўйганлигини, 2019 йилда у Ўзбекистон Республикасига қайтиш учун Ватанга қайтиш гувоҳномасини олиш мақсадида, Олмата шаҳридаги Ўзбекистон элчихонасига борганини, элчихонага кириш учун навбатда турган одамлар кўп бўлганлиги сабабли, элчихонага кира олмаганини, у ўша ердаги Ўзбекистон Республикаси фуқаролари билан гаплашганида, улар бир ойдан буён Ватанга қайтиш гувоҳномасини ололмаётганликларини айтишганини, шундан кейин у Олмата шаҳридан автобусда Сариағач туманига келганини, Ўзбекистон Республикасига ўтиш учун Қозоғистон Республикасининг чегара божхона постига келган вақтида Қозоғистон Республикаси чегара хизмати ходими унга фуқаролик паспортисиз чегарадан ўтолмаслигини айтиб, уни ортига қайтариб юборганини, ўша ерда “Қанаш” исмли шахс менга

10.000 қозоқ тенгеси берса, айланма йўллар орқали Ўзбекистон Республикасига ўтказиб қўйишини айтганини, унда бунча пул миқдори бўлмаганлиги боис, у уни таклифини рад этганлигини, сўнг у ушбу тумандаги уйлардан бирида уч кун пайвандлаш ишларини қилганини, унинг қўшнисини Ўзбекистон Республикаси билан Қозоғистон Республикаси давлат чегара сим тўсиқлари ўтган жой ёнида жойлашган иссиқхонасида тахминан 6-7 кун давомида ишлаб, иссиқхона устунларини пайвандлаш ишларини бажарганини, ушбу иссиқхонани тугаш жойидан Қозоғистон Республикасининг давлат чегара сим тўсиқлари ва ундан тахминан 20 метрлардан сўнг Ўзбекистон Республикасининг чегара сим тўсиқлари ўтганини, у иссиқхонада ишлаши давомида ушбу чегара ҳудудини ўрганганини, сўнг 2019 йил 27 август куни кечки соат 21:30 ларда, ушбу иссиқхона ёнидаги Қозоғистон Республикаси давлат чегара сим тўсиқларини



устидан ошиб ўтганини ва Ўзбекистон ҳудуди томон ҳаракатланиб, давлат чегара сим тўсиқлари орасидан Ўзбекистон Республикасининг Тошкент вилояти, Тошкент тумани, “Рамадон” аҳоли яшаш манзили ҳудудига кириб келганини, чегара сим тўсиқларидан ўтиш вақтида сим тўсиқлардаги сим тиконларини йиртиб юборганлигини, у ўша ҳудудда хизмат олиб бораётган Ўзбекистон Республикаси чегара наряди олдида бориб, ўзини таништирганини ва фуқаролик паспорти бўлмаганлиги сабабли, Қозоғистон Республикасидан давлат чегара сим тўсиқлари орқали ўтиб келганини маълум қилганини, сўнг, чегара наряди “Хатар” гуруҳини чақиритганини, “Хатар” гуруҳи билан келган чегарачиларни командири ундан кимлигини ва қаердан келаётганимни сўраганини, у унга ўзини Ўзбекистон Республикаси фуқароси Давлатов Шохрухбек Маъруфжонович эканлигини, Қозоғистон Республикасига ишлаш мақсадида қонуний тартибда ўтганлигини, кейинчалик фуқаролик паспортини йўқотиб қўйганлиги боис, Ўзбекистон Республикасига қонунга хилоф равишда, давлат чегара сим тўсиқлари орасидан ўтиб кириб келишга мажбур бўлганини маълум қилганини, у чегара нарядларига ўзи ўтиб келган жойларни кўрсатиб берганини, чегара ходимлари у ва икки холис иштирокида у чегарадан ўтган ва ҳаракатланган ҳудудини кўздан кечиришганини, сўнг чегара ходимлари унга нисбатан давлат чегарасини бузганлиги юзасидан тегишли ҳужжатларни расмийлаштиришганини, сўнг чегара ходимлари уни уйига кетиши учун йўловчи машинага чиқариб юборишганини, у орадан бироз вақт ўтиб, паспорт олиш мақсадида Андижон вилояти Избоскан туман ИИБга фуқаролик паспортини олиш мақсадида мурожаат қилганини ва янги АС 2297285-рақамли фуқаролик паспортини олганини, уни чегара ходимлари бошқа чақиритмаганлиги сабабли, чегарадан ўтган иши ёпилиб кетган деб ўйлаганини ва 2019 йил 9 ноябрь куни фуқаролик паспорти билан қонуний тартибда, Тошкент вилоятидаги “Гишт-кўприк-авто” халқаро ўтказиш пункти орқали қонуний тартибда Қозоғистон Республикасига ўтганини ва у ердан автобусда Россия Федерациясининг Новосибирск вилоятига борганини, у 2021 йил 27 сентябрь кунига қадар Россия Федерацияси Новосибирск вилоятида қурилиш билан боғлиқ ҳар хил ёлланма ишларда ишлаб юрганлигини, 2021 йил 27 сентябрь куни вақтинчалик рўйхатини муддатини 3 ойга узайтириш мақсадида Россия Федерацияси Новосибирск вилоятининг ички ишлар органига ҳужжат топшириш учун борганини, ўша ердаги ИИО ходимлари унга Ўзбекистон Республикасида қидирувда эканлигини айтишиб, кутиб туришини тайинлашганини, у кечки соат 18:00 ларга қадар ўша кутиб турганлигини, шу куни соат 18:00 ларда уни ИИО биносига кирғизишиб, Ўзбекистон Республикасида қидирувда бўлганлиги сабабли, ушлашиб, уни вақтинча сақлаш ҳибсхонасига жойлаштиришганини, икки кундан сўнг уни ўша ердаги жиноят ишлари бўйича судга олиб боришганини ва суд уни ушлаб туриш ҳақида қарор чиқариб берганини, у Россия Федерациясининг Новосибирск вилоятидаги ИИОнинг 1-сонли Тергов ҳибсхонасида 2021 йил 20 декабрь кунига қадар ушлаб турилганини, 2021 йил 20 декабрь куни уни



Ўзбекистон Республикаси ИИВ ходимлари самолёт орқали Ўзбекистон Республикасига олиб келишиб, Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЖИЭДга қарашли 1-сонли тергов ҳибсхонасига жойлаштиришганини, у 2019 йил 27 август куни Қозоғистон Республикасидан Ўзбекистон Республикасига ҳеч кимни ёрдамсиз бир ўзи ўтганини ва унга ҳеч ким ёрдам бермаганини, ҳозирда ўз айбига тўлиқ иқрорлигини, ўзининг нотўғри ҳаракатларини тўлиқ тушуниб англаб етганлигини, оилавий ва моддий шароитини инобатга олиб, ўзига нисбатан енгил жазо тайинлашни сўради.

Суд мажлисида тарафларнинг розилиги билан ўқиб эшиттирилган гувоҳ **Мамараимов Йўлчижон Рамазонович**, у 9207-сонли ҳарбий қисм 8-чегара пости бошлиғи лавозимида 2017 йилнинг 29 май кунидан ҳозирги кунга қадар хизмат қилиб келишини, унинг чегара пости бошлиғи сифатида хизмат вазифаларига давлат чегараси дахлсизлигини таъминлаш, чегара постининг жанговор шайлигини ушлаб туриш, шахсий таркибни тарбияси, ахлоқий-руҳий ҳолатини яхшилаш, куч ва воситаларни тўғри қўллаш, давлат чегарасини қўриқлаш режаларини тузиш кабилар киришини, 2019 йил 27 август куни соат 21:30 да жавобгарлик соҳасининг чап қаноти 16-18-соҳаларда хизмат олиб бораётган чегара нарядлари Жумакулов Ихтиёр Бахтиёрович ва Рузибоев Пахлавон Қахрамон ўғли “рация” алоқа воситаси орқали 1 нафар давлат чегара бузувчисини кўшни Қозоғистон Республикасидан Ўзбекистон Республикасига давлат чегарасини ноқонуний равишда кесиб ўтган вақтда ушлашгани тўғрисида хабар берганини, у дархол “Хатар” гуруҳи билан биргаликда воқеа жойига етиб борганида, 1 нафар давлат чегара бузғунчиси чегара нарядлари томонидан тўхтатиб турилганлигини, ушбу давлат чегара бузғунчиси ўзини Ўзбекистон Республикаси фуқароси Давлатов Шохрухбек Маъруфжонович деб таништириб, Қозоғистон Республикасининг “Дўстик” аҳоли яшаш пункти орқали ҳаракатланиб, Ўзбекистон Республикасининг “Рамадон” аҳоли яшаш пункти ҳудудига давлат чегара тўсиқларини орасини очиб ўтиб, Ўзбекистон ҳудуди ичкарасига 15-20 метр масофа юрганидан чегара нарядлари томонидан тўхтатилганлигини маълум қилиб, ўтиб келган жойини кўрсатганини, Ш.Давлатов кўрсатган жой кўздан кечирилганида, ушбу фуқарони оёқ излари назорат из йўлагига мавжудлиги ва ушбу излар чегара бузғунчисининг оёқ изларига тўғри келиши аниқланганини, шунингдек, чегара бузғунчисини эгнидаги қизил рангли футболкасида чегара сим тўсиқларидан ўтганида сим тиконлар тегиб йиртилган излари бор бўлганини, шундан кейин ушбу давлат чегара бузғунчиси 8-постга олиб борилиб, унга нисбатан давлат чегараси бузилганлиги ҳолати юзасидан тегишли ҳужжатларни расмийлаштирилганини, Ш.Давлатовга нисбатан чегара нарядлари томонидан ҳамда ҳужжатлар расмийлаштириш вақтида ҳеч қандай жисмоний ва руҳий тазйиқлар ўтказилмаганлиги ҳақида кўрсатув берган.



Суд мажлисида тарафларнинг розилиги билан ўқиб эшиттирилган гувоҳ **Рузибоев Пахлавон Кахрамон ўғли**, у 9207-сонли ҳарбий қисмда 2017 йил март ойидан ҳозирги кунга қадар шартнома асосида хизмат қилиб келишини, ҳарбий унвони оддий аскар эканлигини, у 2019 йил 27 август куни соат 17:00 дан 22:00 гача қадар 9207-сонли ҳарбий қисмнинг 8-чегара пости бошлиғининг буйруғи кўра, жавобгарлик соҳасининг 16-18 соҳаларида шериги наряд каттаси шартнома асосидаги ҳарбий хизматчи кичик сержант Жумакулов Ихтиёр Бахтиёрович билан чегарани кўриқлаш бўйича чегара наряди сифатида хизмат олиб борганини, соат тахминан 21:30 ларда кўшни Қозоғистон Республикасидан Ўзбекистон Республикасининг Тошкент вилояти, Тошкент тумани, “Рамадон” аҳоли яшаш манзили ҳудудига чегара сим тўсиқлари орасидан ўтиб келиб ҳаракатланаётган шахсни кўриб тўхтатганини, ушбу шахс чегара сим тўсиғидан ўтиб тахминан ичкарига 15-20 метр масофа кирганини, И.Жумакулов ушбу фуқародан кимлигини ва қаердан келаётганини сўраганида, у ўзини Ўзбекистон Республикаси фуқароси Давлатов Шохрухбек Маъруфжонович эканлигини, паспортини Қозоғистон Республикасида йўқотиб қўйганликлари сабабли, давлат чегара сим тўсиқлари орасидан Ўзбекистон Республикасига ўтиб келганлигини маълум қилганини, шундан сўнг, И.Жумакулов “рация” алоқа воситаси орқали постнинг алоқа бўйича навбатчисига алоқага чиқиб, жавобгарликнинг 16-соҳасида 1 нафар чегара бузғунчисини ушлашганини маълум қилиб, воқеа жойига “Хатар” гуруҳини юборишини сўраганини, орадан тахминан 5 дақиқа ўтиб, пост бошлиғи катта лейтенант Й.Мамараимов бошчилигида “Хатар” гуруҳи етиб келиб, ушбу ҳудудни ўраб олганини, Й.Мамараимов чегара бузғунчисидан ким эканлигини ва қаердан келаётганини сўраганида, чегара бузғунчиси уларга айтган гапларини такрорлаганини, воқеа жойи кўздан кечирилганида, ушбу фуқарони оёқ излари назорат из йўлагидан мавжудлиги аниқланганлигини, шунингдек, чегара бузғунчисини эгнидаги қизил рангли футболкасида чегара сим тўсиқларидан ўтганида сим тиконлар тегиб йиртилган излари борлигини, “Хатар” гуруҳи ушбу чегара бузғунчисини 8-чегара постига олиб кетишганини, у эса И.Жумакулов билан чегара наряди хизматини ўташни давом эттирганини, у ва И.Жумакулов ушлаш вақтида ушбу чегара бузғунчисига нисбатан жисмоний куч ишлатмаганини ва унга руҳий тазйиқ ўтказмаганини, унга нисбатан тергов вақтида руҳий ёки жисмоний тазйиқ ўтказилмаганлиги ҳақида кўрсатув берган.

Суд мажлисида тарафларнинг розилиги билан ўқиб эшиттирилган гувоҳ **Жумакулов Ихтиёр Бахтиёрович** гувоҳ **Рузибоев Пахлавон Кахрамон ўғли**га ўхшаш кўрсатувлар беришган.

Судланувчи Ш.Давлатовнинг айби унинг айбига тўлиқ иқрорлик билдириб берган кўрсатувларидан ташқари, суд мажлисида тарафларнинг розилиги билан дастлабки терговдаги кўрсатувлари ўқиб



эшиттирилган гувоҳ Й.Мамараимов, П.Рузибоев ва И.Жумақуловларнинг кўрсатувлари, жиноят иши юзасидан тўпланган ҳужжатлар, жумладан, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш тўғрисидаги баённомаси (и.в. 2-3);

Ўзбекистон Республикаси давлат чегарасининг бузилиши ҳақидаги баённомаси (и.в. 5);

Дастлабки тушунтириш хатлари, фотожадвал ва чизма (и.в. 7-13);

Ш.Давлатовни айбланувчи тариқасида сўроқ қилиш баённомаси (и.в.54-58) ҳамда мазкур жиноят ишида тўпланган бошқа далиллар йиғиндиси билан тўлиқ тасдиқланади.

Суд, юқорида келтирилган далиллар, уларни тўплаш билан боғлиқ процессуал қоида ва тартибларга риоя қилинган ҳолда олинганлиги учун мақбул далиллар деб эътироф этиб, улар ҳақиқатга мувофиқ бўлганлиги сабабли ишончли ҳамда судланувчининг жинойий ҳаракатларини баҳолашда етарли деб ҳисоблайди.

Суд, дастлабки тергов органи томонидан судланувчи Давлатов Шохрухбек Маъруфжоновичнинг жинойий ҳаракатларини Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 223-моддасининг 1-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди, чунки у ҳақиқатдан ҳам белгиланган тартибни бузиб, қонунга хилоф равишда Ўзбекистон Республикаси чегарасидан ўтишида ифодаланган жиноятни қасддан содир қилган ва унинг айби суд мажлисида ҳам ўз тасдиғини тўлиқ топди.

Суд, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 55-моддасига асосан судланувчи Ш.Давлатовнинг айбига тўлиқ иқроор бўлиб, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб топиб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 56-моддасига асосан жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар аниқланмади деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи Ш.Давлатовга нисбатан жазо тайинлашда, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қарорининг 1-бандида, судларнинг эътибори, жиноят учун жазо чорасини тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга қаратилиши лозимлиги;

қарорнинг 3-бандида, Жиноят Кодексининг 8,54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши – ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги тўғрисидаги тушунтиришларига риоя қилган ҳолда, шунингдек айбига тўлиқ иқроор бўлиб, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, қарамоғида икки нафар вояга етмаган фарзандлари борлигини, оилада



ягона боқувчи эканлигини, муқаддам судланмаганлигини, оилавий ва моддий шароитини инобатга олиб, Ш.Давлатовга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодекси 223-моддасининг 1-қисмида белгиланган жазо тури ва миқдорини муҳокама қилиб, жиноятларнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини инобатга олиб, унга нисбатан озодликни чеклаш жазоси тайинлашни;

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 62-моддасига асосан судланувчи Давлатов Шохрухбек Маъруфжоновични қamoқда сақланган бир кунини озодликни чеклаш жазосининг бир кунига тенглаштириб тайинланган озодликни чеклаш жазосидан чегиришни;

Давлатов Шохрухбек Маъруфжоновичга нисбатан қўлланилган “қamoққа олиш” тарзидаги эҳтиёт чораси бекор қилишни ва дарҳол суд мажлиси залида қamoқдан озод қилишни;

Тошкент вилоят прокурорининг биринчи ўринбосари А.Камиловнинг даъво аризаси қаноатлантирилиб, судланувчи Давлатов Шохрухбек Маъруфжоновичдан ушлаб келтириш учун сарфланган **27.018.741** (йигирма етти миллион ўн саккиз минг етти юз қирқ бир) сўм пул маблағларини Ўзбекистон Республикаси ИИБ орқали давлат фойдасига ундиришни лозим деб ҳисоблайди.

Юқоридагиларни инобатга олиб ҳамда Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 454-457, 462-463, 465-468, 471-473-моддаларига асосан суд

Ҳ У К М Қ И Л А Д И :

Давлатов Шохрухбек Маъруфжонович (DAVLATOV SHOXRUXBEK MA`RUFJONOVICH) Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 223-моддасининг 1-қисми билан айбли деб топилсин.

Давлатов Шохрухбек Маъруфжоновичга Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 223-моддасининг 1-қисми билан сутканинг соат 21:00 дан 06:00 га қадар бўлган вақт мобайнида яшаш жойидан чиқишни чеклаган ҳолда **4 (тўрт) йил** муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

Давлатов Шохрухбек Маъруфжоновичга Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 62-моддасига асосан 2021 йил 21 декабрдан 2022 йил 11 февралгача қamoқда сақланган 53 (эллик уч) кунининг ҳар бир кунини 1 (бир) кун озодликни чеклаш жазосига ҳисоблаб, 53 (эллик уч) кунни чегириб ташлаб, ўташлик учун **3 (уч) йил 10 (ўн) ой 7 (етти)** кун озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

Давлатов Шохрухбек Маъруфжоновичга нисбатан озодликни чеклаш жазосини ўташ унинг яшаш жойи – Андижон вилояти, Избоскан тумани, “Избоскан” ҳудуди, Юқори Чувама маҳалла фуқаролар йиғини, “Р.Турақулов” кўчаси, 22-уй белгилансин.

Давлатов Шохрухбек Маъруфжоновичнинг зиммасига:



- жиноят содир этишга мойил бўлган шахслар билан алоқада бўлмаслик;

- Андижон вилояти ҳудудидан чиқиб кетмаслик;

- маҳкумларни назорат қилувчи органнинг розилигисиз, яшаш жойини ўзгартирмаслик каби қўшимча чеклашлар юклансин.

Давлатов Шохрухбек Маъруфжоновичга нисбатан тайинланган жазо жазони ижро этиш инспекциясида ҳисобга қўйилган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Давлатов Шохрухбек Маъруфжоновичга нисбатан тайинланган жазо жазони ижро эттириш ҳамда ижросини назорат қилиш доимий яшаш жойидаги ИИБнинг шу каби жазоларни ижро этиш инспекцияси зиммасига юклатилсин.

Давлатов Шохрухбек Маъруфжоновичга агар у жазони ўташ даврида ўзининг жинойи қилмишларини англаб етган, тузалиш йўлига қатъий ўтган бўлса, суд унга нисбатан илгари тайинланган тақиқларни (чеклашларни) тўлиқ ёки қисман бекор қилиши мумкинлиги;

озодликни чеклаш тариқасидаги жазони ўташдан қасддан бўйин товлаган, шунингдек суд томонидан унинг зиммасига юкланган мажбуриятларни бажармаган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 48¹-моддасига мувофиқ суд озодликни чеклаш жазосининг ўталмай қолган муддатини бошқа турдаги жазо билан алмаштириши мумкинлиги тушунтирилсин.

Давлатов Шохрухбек Маъруфжоновичга нисбатан қўлланилган “қамоққа олиш” тарзидаги эҳтиёт чораси бекор қилинсин ва дарҳол суд мажлиси залида қамоқдан озод қилинсин.

Судланувчи Давлатов Шохрухбек Маъруфжоновичдан ушлаб келтириш учун сарфланган **27.018.741** (йигирма етти миллион ўн саккиз минг етти юз қирқ бир) сўм пул маблағлари Ўзбекистон Республикаси ИИБ орқали давлат фойдасига ундирилсин.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 497⁴-моддасига мувофиқ, апелляция шикояти ва протестлари ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан йигирма сутка ичида, маҳкум томонидан эса ҳукм нусхасини олган кундан эътиборан шу муддат ичида берилиши мумкин.

Белгиланган муддат ўтгандан кейин берилган шикоят ёки протест оқибатсиз қолдирилади.

Раислик қилувчи, судья:

(имзо)

С.Х.Мухамедов

Ҳукм нусхаси аслига тўғри:

